

ISSN 2181-1601

# SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal  
**VOLUME #1 ISSUE #5**

## ACCEPTANCE AREAS OF THE JOURNAL

- mathematics, physics, informatics;
- chemistry, ecology, geography;
- advances in biology and medicine;
- history, law, aesthetics;
- philology and language teaching;
- physical education and sports;
- music, art and culture;
- philosophy, logic and sociology;
- architecture and economics;
- pedagogy, psychology, defectology

---

ULUG'BEK MUZAFAROVICH MIRSHAYEV

O'zbek xalq cholg'ularining shakllanish tarixi va Sharq musiqashunos olimlarining cholg'u ijrochiligi san'atiga oid ilmiy merosi (pp. 623-627)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-114.%20623-627.pdf>

---

MALAXAT OBIDOVNA RAXMATOVA

O'zbek xalqining folklor san'ati hamda folklor-etnografik jamoalarning musiqa san'ati rivojida tutgan o'rni (pp. 628-634)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-115.%20628-634.pdf>

---

IBRAGIM FAYZULLAYEVICH KAYUMOV

Xalq qo'shiqlari asosida boshlangich sinf o'quvchilarining nutqiy malakasini o'stirish usullari (pp. 635-640)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-116.%20635-640.pdf>

---

ЖУРАБЕК ТУРАЕВИЧ ЯРАШЕВ

Музыкальная терапия (pp. 641-647)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-117.%20641-647.pdf>

---

ИСЛОМЖОН ИЛХОМ ЎГЛИ АХТАМОВ

Maқom anъanaviy kасбий мусиқа намуналарини ўрганишда овоз хусусиятлари (pp. 648-653)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-118.%20648-653.pdf>

---

ИЛХОМ АХТАМОВИЧ ҚЎШАЕВ

Мусиқа маданияти дарсларида ҳалқ мусиқаси намуналаридан фойдаланишнинг аҳамияти (pp. 654-660)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-119.%20654-660.pdf>

---

GUZALYA MASHRAPOVNA MAXMATKULOVA, MOXIGUL SHODIKULOVNA RAXMONOVA, MIRZA MURODOVICH YUSUPOV

Determination of Iron Deficiency Anemia in First Pregnancy (pp. 661-664)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-120.%20661-664.pdf>

---

YULDUZ ILHOM QIZI FAYZIYEVA

Tarix fanini o'qitishda Suriya va Finikiya podsholigi o'r ganilishi (pp. 665-668)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-121.%20665-668.pdf>

---

MASHHURAXON MAHMUDJON QIZI MAMAJANOVA

Tarix fanini o'qitishda Fernand Magellan va dunyodagi birinchi sayohatini o'r ganilishi (pp. 669-672)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-122.%20669-672.pdf>

---

XOJAR ZAYNIDDINOVNA BEKKULOVA, SAYORA ABDULLAEVNA XODJAYOROVA

Effective Learning of Foreign Languages through Information Technology (pp. 673-675)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-123.%20673-675.pdf>

---

A'LOXON MATMUSA YEVA

Tarix fanini o'qitishda Hindiston adabiyotining o'rni (pp. 676-679)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-124.%20676-679.pdf>

---

## МАҚОМ АНЬАНАВИЙ КАСБИЙ МУСИҚА НАМУНАЛАРИНИ ҮРГАНИШДА ОВОЗ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Исломжон Илҳом ўғли Ахтамов**

Бухоро давлат университети Санъатшунослик факультети Мусиқа таълими  
кафедраси ўқитувчиси  
[i.i.ahktamov@buxdu.uz](mailto:i.i.ahktamov@buxdu.uz)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мақом ва бошқа анъанавий касбий мусиқа намуналарини үрганишда овоз хусусиятлари, куйлаш органлари фаолияти, мутация (балоғат) даври хусусияти ва овозни асраш ҳамда тарбия қилишнинг психологик хусусиятлари ва мақом санъати орқали ёш авлодни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** анъанавий касбий мусиқий мерос, миллий мақом санъати туркумлари, Бухоро Шашмақоми, хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, мақомга асосланган дидактик қўшиқлар, “Мушкилот”, “Наср”.

### SOUND FEATURES IN THE STUDY OF TRADITIONAL PROFESSIONAL MUSIC

**Islomjon Ilhom ugli Akhtamov**

Teacher of the Department of Music Education, Faculty of Art History, Bukhara State University  
[i.i.ahktamov@buxdu.uz](mailto:i.i.ahktamov@buxdu.uz)

### ABSTRACT

The article examines the characteristics of the voice, the activity of the singing organs, the characteristics of the period of mutation (puberty) and the psychological features of sound preservation and education in the study of maqom and other traditional professional music, and the education of the younger generation in the spirit of high human feelings.

**Keywords:** traditional professional musical heritage, national maqom art series, Bukhara Shashmaqomi, Khorezm maqoms, Fergana-Tashkent maqom roads, maqom-based didactic songs, “Mushkilot”, “Nasr”.



## КИРИШ

Мақом ва бошқа анъанавий касбий мусиқа намуналарини ўрганишда овоз хусусиятлари, куйлаш органлари фаолияти, мутация (балоғат) даври хусусияти ва овозни асрап ҳамда тарбия қилишни ҳам билиш зарур. Шунинг учун баланд авжлари бўлган мақом шўйбалари ва мумтоз ашулаларни куйлашда асосан даромад ва миёнхат тузилмаларини парча сифатида куйлаб, танишиш тавсия этилган. Айрим моҳир педагоглар шундай асарлардан айримларини транспозиция қилиб (пастрок тоналликга тушириб) куйлашни ҳам амалда қўлламоқдалар.

Энг муҳими мақомга ўхшаш мураккаб ва мукаммал мусиқа жанрларини ўзига хос хусусияти, тарихи, ижро тамойилларини ўқувчи-ёшларга тушунириб, бундай асарларга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжни шакллантиришdir.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг муаллифи, буюк композитор Мутал Бурхонов, мусиқашунос профессор Файзулла Кароматов ва бошқалар зўр тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мақом ва бошқа касбий мусиқа жанрларини ўрганиш қадимдан усгоз-шогирдчилик йўли билан болалиқдан бошлангани, шогирдларга дастлаб танбур, доира ва бошқа созларда чалиш, ундан кейин ашула айтиш ўргатилганилиги ҳақида гапириб, касбий мусиқа жанрлари билан танишиш умумтаълим мактабининг ўрта синфларидан бошланиши зарурлигини қайд этган эдилар. Мақом ибораси арабчадан жой, ўрин, даража каби тушунчаларни англатиб, мусикада асарнинг бош пардаси жойини кўрсатади.

Мақомот кенг маънодаги турли мақомлар ва уларга ўхшаш мусиқий жанрларнинг умумлаштириб айтилишидир. Бунда Ўзбекистон худудидаги мақом гуркумлари (Бухоро шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фаргона-Тошкент мақом йўллари)дан ташқари Озарбайжон муғомлари, Уйғур муғомлари, Ҳинд рагалари, Эрон дастгоҳлари ва бошқа турқумли асарлар назарда тутилади.

Бухоро шашмақоми ва республикамиздаги бошқа мақом кўринишлари собиқ иттифок даврида норасмий тарзда камситилиб, улар асосан сарой мусиқаси, бинобарин, мақомлар сарой ахли ғояларини акс эттиради, уларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаси йўқ деган уйдирмалар тарқатилган эди. Маълумки, оддий ҳалқ орасидаи етилиб чиққан барча доно ҳунарманд истеъодли шоир, мусиқачи ва олимларнинг энг сараси сарой хизматига жалб этилган.

Саройдаги риқоби (мусиқачилар уюшмаси)да фаолият кўрсатиб келган машхур созандар эл назарига тушганларига қадар кишлоқ ва шахар аҳолисига мусиқий хизмат кўрсатиб, уларнинг ижодий принциплари шу оддий

халқ мусиқаси асосида шаклланди. Бинобарин, мақомларни яратишида ҳам устоз аждодларимиз халқ мусиқасининг ёркин намуналаридан унумли фойдаланганлар.

Мустақиллик шарофати билан барча миллий қадриятларимиз қаторида мақомларнинг ҳам мақомини (даражасини, ўрнини) тиклаш, уларнинг назарий асослари ва амалий ижросини кенг кўламда ўрганиш назарда тутилмоқда. Шу нуқтаи назардан ёндашиб мақом шўъбаларини ёки улардан олинган парчаларни тинглаш, айрим намуналарни куйлаш, умумтаълим мактабларидан бошлаб коллежлар, университетлар ва консерваториядаги ўкув жараёнларига киритилган.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, мақомларни ўрганиш ва ўргатиш тизими ҳозирга қадар узил кесил шаклланиб бўлган эмас. Агар биз бу жараённинг ўтмишдаги тизимига назаримизни қаратмокчи бўлсак, устоз шогирдчилик анъаналари ва бу анъананинг оғзаки тарзда амалга ошиб келганига гувоҳ бўламиз. Ҳозирги кунларда эса бу жараён қисман Европаnota тизимига асосланганлиги кўзга ташланмоқда. Бу ҳар иккала ўрганиш ва ўзлаштириш усулининг ўзига хос афзаллиги ва камчиликлари мавжуд.

Ўтмишдаги устозлар ўзларига маъқул бўлган, яъни кучли мусиқий хотирага, овозга ва қизиқишига эга бўлган ёшларни танлаб мақомлар ижросини ўргатган бўлсалар, ҳозирги кунда айрим ўрта миёна мусиқий имкониятларга эга бўлган ёшлар ҳам мақом мусиқаси билан шуғулланмоқдалар. Бунга nota ёзуви ва мақомлар ижроси аудио ёзувлари сабаб бўлмоқда. Мақомлардек мураккаб ва мукаммал мусиқий жанрларни ўзлаштириш ва касб қилиб олиш учун эса аввало етук устозлардан таълим олиш ва кўшимча восита сифатида nota ёзуви ҳамда турли ижро чиларнинг аудио ёзувларини тақкослаб эшитишдан фойдаланиш зарур.

## МУҲОКАМА

Мақомлар ижроси бўйича ихтисослашган ўкув даргоҳларида ўқиётган талаба ёшлар мақомлар ижросини ўрганиш учун турли усуслар (етук мақомхон устозларнинг ижроларини эшитиш, устозларнинг ижро кўрсатишлари, имкони борича такомиллашган nota ёзувларидан фойдаланиш, ўз ижросини магнит тасмасига ёзиб, қайтиб тинглаш ва шу йўл билан ижросини такомиллашгиреш ва бошқа)дан фойдаланадилар. Умумий мусиқий-таълим ва мусиқий-педагогик таълим жараённада эса, асосан мақомлар хақида назарий маълумотлар олиш ва мақомларнинг айрим ёркин намуналарини ёки улардан олинган парчаларни куйлаб ўзлаштиришга эътибор қаратилади.

Бунинг сабаби шундаки, умумий ўрта-таълим тизимида тарбиялананаётган ўкувчилар мақомларнинг умумий табиати ва хусусиятларидан хабардор бўлиб, улардан маънавий озука (лаззат) олишлари назарда тутилади. Мусиқий-педагогик

олий ва ўрта-таълим масканларида таълим олаётган талабалар келажакда мусиқа муаллимлари бўлиб етишишлари туфайли мақомлар ва бошқа анъанавий қасбий мусиқа жанрларини умумий тарзда ўрганишлари ва ўқувчиларга ўргатишлари талаб этилади. Шунинг учун мусиқий-педагогик таълим жараёнида асосан мактаб мусиқа дастурлари ва дарслекларида мақом намуналарини биринчи навбатда ўзлаштириб олишларига урғу бериш лозим.

## НАТИЖА

Яна бир муаммо мавжудки, унинг ечимини топиш бир мунча мушкул. Бу муаммонинг асосий келиб чикиш сабаби бир неча ўн йиллар мукаддам, турли мусиқий таълим даргоҳларини тутатиб, ҳозирги кунда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатаётган устозларнинг ўша собиқ даврда мақомларни ўрганишдан бебахра қолганликларидир. Энди бу устозлар анчагина ёшлари улгайиб, мақом ва бошқа қасбий мусиқа жанрларига хос хусусиятлар (қочирим, нола ва бошқа безаклар) ни ўзлаштириб олишга қийналадилар. Шунга қарамасдан барча устозлар мақомлар ижросини имконлари даражасида ўрганиб олишлари, бу жанрларнинг назарий асосларини билишлари ҳамда ўз шогирдларига бундай юксак бадиий асарларни ўрганиш учун тўгри тавсиялар бера олишлари зарур.

## ХУЛОСА

Хуллас, устозона ёки қасбий мусиқа жанрларини ёшларга ўргатишда қўйидаги усуллардан фойдаланиш зарур деб ўйлаймиз:

- мақомлар ва қасбий мусиканинг бошқа жанрлари (мумтоз куй ва ашула, катта ашула, достонномалари) га хос назарий маълумотлар ва амалий ижро хусусиятлари билан танишиш;
- Қасбий мусиқанинг етук ижрочилари ҳамда уларнинг ижро йўлларига таққослаб, таҳлил қилиш;
- Хусусан мақомларнинг туркумлилиги, тузилиш хусусиятлари (чолғуда хона, бозгўй, ашулада даромад, миёнхат, дунаср, намуд, авж, фуроварда оҳанглар) ни ижро давомида бир-биридан ажратса олишни ўрганиш;
- мақомларнинг нота ёзувларини ўрганиш ва нотада ўз аксини топа олмаган ижродаги нозик нукталарини топиб, уларни жонли ижродаги ҳолатини таъминлаш;
- аудио ва видео ёзувлардаги мақом нумуналарини тинглаш;
- мақом ва бошқа қасбий мусиқа жанрларидан айрим асарларни мунтазам равишда юкорида кўрсатилган усуллар асосида ўрганиб бориш ва ўз ижросини такомиллаштиришга интилиш;

- айрим тадбир ва концертларда ижро чикишларини амалга ошириш; Агар айтилган тавсиялар ва бошқа касбий манбаларда берилган маслаҳатларга амал килиб, мақомлар ижросига сидки дилдан ёндашилса, буборадаги барча қийинчиликларни енгиб, мақомлардан баҳраманд бўлиш мумкин. Бу тавсияларга амал қи лишнинг асосий шарти ўкувчи ёшларга раҳнамо бўлиб, уларни мақом ижросига йўналтирадиган забардаст устознинг мавжудлиги бўлса, янада асосий шарт ўкув юртларига қабул килинаётган ёшларда мукаммал касбий мусиқа ижросини ўзлаштириш учун зарур бўлган истеъдод ва мусиқий кобилиятнинг мавжудлигидир. Ушбу асосий шартларни бажаришга етарли эътибор бериб, - ёшлар хурматли Президентимизинг ёшларга мусиқий таълим ва тарбия беришни янада яхшилаш чора тадбирлари тўгрисидаги фармойишларига амал қилсак, ўкувчиларимизни юксак мақомларимиз мусиқаси намуналарини ўзлаштириб олишларида улкан муваффакиятларига эришамиз деб ўйлайман.

## REFERENCES

1. Yarashev, J. T. (2013). “Bukhorcha” and “Mavrigi” song classes—as a national and noetic spiritual values of the Uzbek nation. *ТРАДИЦИОННАЯ И СОВРЕМЕННАЯ КУЛЬТУРА: ИСТОРИЯ, АКТУАЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ, ПЕРСПЕКТИВЫ*, 114.
2. Yarashev, J. T. (2019). Research on Bukhara music heritage through axiologic features. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(12).
3. Yoshiyevna, U. M. R., & O'G'Li, R. A. R. (2021). MUSIQA MADANIYATI DARSLARIDA “VENA KLASSIK MAKTABI” NAMOYONDALARI HAYOTI VA IJODIYIY FAOLIYATI BILAN TANISHTIRISH USLUBLARI. *Scientific progress*, 1(3).
4. Yoshiyena, U. M. (2020). THE IMPORTANCE OF USING PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN SPECIAL EDUCATIONAL SCHOOLS. *Вестник науки и образования*, (22-2 (100)).
5. Yorievna, U. M. R., & Karimovna, N. N. (2020). Innovative approach to the development of musical abilities in children with disabilities health opportunities. *Проблемы педагогики*, (2 (47)).
6. Мухамедов, Т. Д. (2020). Способы направления студентов на информационные технологии. *Вестник науки и образования*, (21-2 (99)).
7. Мухамедов, Т. Д. (2021). СПОСОБЫ И СРЕДСТВА РАЗВИТИЯ МУЗЫКАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ НА УРОКАХ МУЗЫКИ. *Проблемы науки*, 43.

8. Кушаев, И. А., & Ахтамов, И. И. (2020). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТРАДИЦИОННОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ МУЗЫКИ (НА ПРИМЕРЕ ИСКУССТВА ДАСТАНА). *Academy*, (11 (62)).
9. Рахимов, Р. Н. (2021). РОЛЬ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. *Проблемы науки*, 46.
10. Kushaev, I. A. (2020). Musical pedagogical fundamentals of doston art. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(10), 1061-1067.
11. Kushaev, I. A. (2020). MUSIC PEDAGOGICAL DOLLARS OF DOSTON ART. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(9), 6-6.
12. Kushaev, I. A. (2020). BAKHSHI ART SCHOOLS AND THEIR PERFORMING FEATURES. *Scientific reports of Bukhara State University*, 3(3), 295-299.
13. Каримов, О. И. (2020). Значение специфических особенностей и воспитательных возможностей узбекских народных инструментов. *Academy*, (3 (54)).
14. Каримов, О. И. (2020). ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ МУЗЫКАЛЬНЫЕ ВЗГЛЯДЫ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ МУЗЫКИ. *Вестник науки и образования*, (22-2 (100)).
15. Атамурадов, Р. Э. (2020). Педагог музыкальной культуры-это понятие о педагогическом творчестве и педагогической технологии. *Вестник науки и образования*, (21-2 (99)).
16. Холиков, К. Б. (2020). Музикальная педагогика и психология. *Вестник науки и образования*, (21-2 (99)).
17. Холиков, К. Б. (2021). МЕТОДЫ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ЧЕРЕЗ ВОСПИТАНИЕ В ВУЗАХ. *Academy*, 57.